



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI SOG‘LIQNI SAQLASH VAZIRINING
B U Y R U G‘ I**

2021 yil “18” 09

№ 230

Toshkent sh.

**Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказларида
ихтисослаштирилган тиббий ёрдамни олишда очиклик ва
шаффофликни таъминлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Соғлиқни сақлаш соҳасида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 28 июлдаги ПҚ-5199-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида **буюраман:**

1. Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари, республика тасарруфидаги клиникалар бўлимлари кесимида мавжуд ўринлар сони, шу жумладан бўш ўринлар сони, Давлат бюджети ҳисобидан копланадиган ҳамда пуллик асосда кўрсатиладиган тиббий хизматлар турлари ва уларнинг нархлари тўғрисидаги маълумотларни;

Ихтисослаштирилган бепул тиббий ёрдам кўрсатиш шартлари ва тартиби тўғрисидаги маълумотларни ҳамда иловага мувофиқ шакллантирилган соҳага оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар рўйхатини расмий веб-сайтларда жойлаштирилишини ва мунтазам янгиланиб борилишини таъминласин.

2. Ихтисослашган марказлар фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси (Ж. Артиков) Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари, республика тасарруфидаги клиникалар томонидан маълумотларни расмий веб-сайтларда мунтазам янгиланиб борилиши юзасидан назорат ўрнатсин.

3. Ушбу буйруқ ижросининг назорати вазир ўринбосари У.Сабилов зиммасига юклатилсин.

Вазир

А. Хаджибаев